Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 14 сентябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 69 (6757)

Даъват

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Ибрат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь—«Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» ҳамда дам олиш куни деб эълон қилинди.

Муносабат

ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТ МАЪНАВИЯТ ЗАМИНИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИ

Истиқлол ва маънавият бир-бири билан чамбарчас боғланган тушунчалардир. Маънавияти буюк халқни қул қилиш, абадий истибдодда сақлаш мумкин эмас. Қудратли давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қудратли маънавият заминида вужудга келади. Ҳар бир шахснинг ва бутун миллатнинг камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маърифат ва маънавиятга доимий эътибор бериб келмоқда. Бу оқилона сиёсат туфайли халқимиз узлигини таниб, уз шажарасини идрок этаётир. Маданий-маънавий қадриятлар бой меросимизни узлаштириш асосида мустақиллик мафкурасининг шаклланиш жараёни ҳам аниқ кузга ташланиб бормоқда.

Жумладан, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони кишиларимиз қалбидаги юксак маънавий фазилатларнинг янада баркамоллашувига янги уфқлар очиб берди, деб ўйлайман. Бу Фармон маънавий-маърифий соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Эндиликда ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Узбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолаверади.

О. РАИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасининг услубчиси.

Аслида қадриятлар маъносидаги маънавий бойликнинг турфалиги ва ранг-баранглиги жиҳатидан биз тараққий этган кўп мамлакатлардан устун турамиз. Салкам уч минг йиллик давлатчилик тарихига эгамиз. Шу давлатчилик атрофида юз берган, тарих фанига оид, диний ва дунёвий адабиётга оид, математика, тиббиёт ва фаннинг бошқа турларига оид қадриятларимиз дунёнинг кўплаб осорхона ва кутубхоналарини безаб турибди. Мустақиллигимиз берган неъматлардан бири шу бўлдики, бу қадриятларни халқ бойлигига айлантириш имкониятига эга бўлдик.

Ҳурматли Президентимиз ҳузурларида бўлган учрашувда миллатимизнинг узлиги юзага чиқаётганлигини, бу борада яна кўп ишлар қилишимиз кераклигини айтдилар. Маънавий дунё, бугунги маърифатимиз ҳақида гапириб, «маънавиятни тортадиган тарози ҳам, улчайдиган мезон ҳам йўқ. Уни фақат ҳис қилишимиз мумкин, ақл ва қалб билан улчашимиз мумкин», дея таъкидладилар. Шу маънода, бугунги ўсмирлик ва болалик, умуман ёшлик дунёсида қилишимиз зарур бўлган ишлар тўғрисида уз фикрларини билдириб ўтдилар. Ҳозирги кунда ёшларимизда бошланган умуммиллий қўтаринкиликни мазмун билан, миллий ҳолатлар билан бойитишимиз зарурлиги тўғрисидаги фикрни ўртага ташладилар. Бинобарин, матбуот саҳнг тилида ва дилида турган муаммолар ҳақида фикр алмашувга имкон яратиб бердилар. Демократия ҳақида, жамият қурилиши ва уни бошқаришда умумхалқ иштирокининг ҳар бир мамлакатда узига хос йўналишлари ҳақида бутунлай янги бир фикрни айтиб ўтдилар. Масалан, Америка демократияси билан мустақиллик йўлига тушганига эндигина беш йил бўлган узбек демократияси ҳақида чиройли, ишонарли мисоллар келтирдилар. «Давлат нима учун мавжуд? У инсон учун хизмат қиладими ёки инсонлар давлат учунми?» деган саволни ўртага ташлаб, яна узлари шундай жавоб бердилар:

«Давлатнинг бош мақсади инсонга хизмат қилмоқ, уни тузган инсон учун бахтли, саодатли турмуш яратиб беришдан иборатдир».

Суҳбат чоғида, айниқса, олис-олис қишлоқлардаги маънавий аҳвол, уларнинг газета ва журналлар билан таъминланиши, хусусан, аёлларимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш, керак бўлса, турли учрашувлар, саёҳатлар уюштириш зарурлигини эслатиб ўтдилар.

Учрашув чоғида тарихий қадриятларимизни чуқурроқ ўрганиш ҳақида Президентимиз томонидан ҳикматли бир ақида айтиб ўтилди: «Агар иморатни қанчалик баланд қурмоқчи бўлсак, унинг пойдевори шунча чуқурга кетиши керак. Шунда бу иморат зилзилаю бошқа офатларга чидамли бўлади. Ҳамонки, буюк давлат қуриш йўлига кирган эканмиз, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш бугунги миллатимизнинг бош вазифаларидан биридир».

Бизнинг ўша кунги бой таассуротларимиздан бири шу бўлдики, миллатимизнинг маънавияти бой, ҳулқ-атвори юксак, имон-эътиқоди бўлиши йўлида шахсан ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов қайғуриб, йўл кўрсатиб турибдилар. Мана бу борада махсус фармонлари ҳам эълон қилинди. Демак, бугундан эътиборан ҳукуматимизнинг асосий дастурларидан бири маънавият дастури бўлиб қолади ва бу йўлда ҳукуматимиз маблағни ҳам, вақтни ҳам аямайди. Умидимиз бор, бу ҳаракат бизда умумхалқ ҳаракатига айланади.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси.

ТАРАҚҚИЁТ—ЮКСАК БИР КЎШК МАЪНАВИЯТ УНИНГ ПИЛЛАПОЯСИ

да «Маънавият ва Маърифат» жамоатчилик маркази раиси Неъмат Аминов, шу марказ раиси ўринбосари Шермат Ёрматов, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновлар иштирок этдик. Суҳбат гоят ҳаяжонли, мазмунга бой, қувончли бир ҳолатда ўтди. Миллатимизнинг маънавиятга бўлган буюк эҳтиёжини Президентимиз суҳбат чоғида алоҳида таъкидладилар. Маънавиятга эҳтиёж кучайиши билан мамлакатимизнинг ўтмишига қизиқиш, унинг буюклигини бебаҳо қадриятларимиз орқали ҳис қилиш айниқса ҳар бир фуқаро мустақиллигимиз берган мевани уз кўзи билан кўрганидан кейин яна ҳам ўсди. Сиёсий ҳаётда, маданият дунёсида, иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган катта ўзгаришлар миллатимизни ўзини-ўзи англаш пиллапоясига олиб чиқди. Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги кенг нишонланиши, тантаналарда салкам 5 миллион кишининг иштирок этиши халқимизнинг жипслашганини, шу Ватан билан, унинг келажаги билан фахрланаётганини, истиқболга бўлган ишончининг мустаҳкамланаётганини кўрсатди. Президентимиз учрашув асосида «1991—1996 йилларда халқимиз орзу қилган нурли нуқтага етганимизни таъкидлаб, халқимизда бошланган кайфиятда, шижоат ва ғайратфаларида, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларимизда янги замон нафаси, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуси уфуриб туриши кераклиги ҳақида фикр билдирдилар. Бугунги кунда юртимиз жаҳонга бўйлашаётгани, дунё бўйлаб обруси ошаётганлигининг энг биринчи сабаби халқимиздаги улуғ мақсаддир. Яна республикамиздаги миллатларнинг узаро тотувлиги, жипслиги ва олиб бораётган сиёсатимизнинг тўғрилиги сабаб бўлмоқда. Президентимиз айтиб ўтганларидек, «халқ бахти, саодати, фаровон турмушини ўйлаб иш юритаётганлигимиз учун ҳам Аллоҳнинг узи бизни қўллаб турибди».

Биз, чиндан ҳам кейинги беш йил ичидагина ажодларимиздан қолган қадриятларимизнинг том маънодаги вориси сифатида майдонга чиқдик. Ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино каби донишмандларимизни, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий каби динимиз осмонида йўлчи юлдузлардек порлаган буюк алломаларимизни улуғлаш йўлига ўтдик. Уларнинг руҳи поклари шаънига ҳамду санолар айтдик, «Эҳтимол шунинг учун ҳам бу илоҳий зотларнинг арвоҳлари бизни қўллаб тургандир» дея таъкидладилар Президентимиз.

Суҳбат жуда дўстона, самимий, ошкор бир ҳолатда борди.

Президентимиз халқимизнига айланади.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раиси.

ҚАЛБИМ ЭНТИКДИ

Оддий ўқитувчиман. Иш жойим эса қишлоқ мактаби. Ортиқча ҳашамсиз синфхона ўз уйимдек бўлиб қолган. Бу маконга юрагим ҳар куни, ҳар доим шошади.

...Мен «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Республикамиз Президентининг Фармони билан танишиб чиқарканман, бутун ҳаётим нурга чўлғангандек қувондим. Муҳтарам зот— ўқитувчини қадрлаш, унга чинакам эътибор шунчалик бўлар! Мен ана шундай Фармон қачондир қабул қилинишини билардим. Дилим энтикди. Ўтган йили ўз меҳнатимнинг қадри сифатида берилган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвонини олганимда ҳам, қалбим ширин ҳисларга тўлган эди.

Фармон биз ўқитувчиларга куч-қувват бағишламоқда. Бизга ғамхўрлик кўрсатилар экан, демак. ишлашимиз, ижод қилишимиз керак!

Сайёра ЖОНИҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 49-ўрта мактаб она тили ва адабиёти муаллими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

(Мавзунинг давоми 2-бетда.)



Бугун гўзал пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида Темурийлар тарихи давлат музейи жадал суръатлар билан қад кўтармоқда. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг қутлуғ номи билан аталгувчи хиёбон ҳуснига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган бу кошона ҳар бир ватандошимиз дилида ҳайрат ва ҳаяжон, ғурур ва ифтихор ҳисларини уйғотмоқда.

1996 йил — Амир Темур йили

БУЮКЛИКНИ АНГЛАШ

Гарчанд бу муҳташам зиёратгоҳ — музей ҳали расман очилмаган бўлса-да, ҳозирданоқ уни завқу шавқ билан томоша қилаётган кўплаб одамларни учратиш мумкин. Музей биноси аввало узининг улуғвор салобати, нафис маҳобати, темурийлар салтанатининг мислсиз тарихий обидаларига монанд меъморий ечими билан юзлаб-минглаб фуқароларимиз, дўсту ҳамкорларимиз, хорижий меҳмонларимиз диққат-эътиборини тортмоқда. Чет элларда чиқадиган бир неча нуфузли журналларда бу улуғ иншоотнинг тасвири чоп этилгани ҳам ана шу қизиқишнинг яққол далилидир.

Бугун ҳамюртларимиз музей иш бошлайдиган тарихий кунни орзиқиб кутмоқдалар. Пойтахтимиз кўркига кўрк қўшадиган бу маънавият маскани, иншооллоҳ, саноқли кунлардан сўнг ўз эшикларини миллионлаб зиёратчилар учун очади.

Хўш, бу беқиёс обидани барпо этишдан кўзлаган асосий мақсад нима? Темурийлар тарихи давлат музейининг вазифаси нималардан иборат? Нима учун шундай музейни айнан бугунги кунда барпо этишга зарурат туғилди? Улуғ савобдан иборат бўлган бу ҳаракатнинг маъно-моҳияти нимада?

Музей бунёд этиш фикри пайдо бўлган кундан бошлабоқ у юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Лойиҳалар танлашдан тортиб қурилиш услубигача, музей экспозициясидан тортиб бадиий безакларгача қайта-қайта ва ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда. Янги ечимлар, янгидан-янги ижро йўллари изланмоқда.

Ана шундай муҳокамаларнинг бирида темурийлар тарихи давлат музейини вужудга келтириш ғоясининг ташаббускори, бош ташкилотчиси, Президент Ислом Каримов бу масала хусусида тўхталиб, жумладан, шундай мазмундаги мулоҳазаларни билдирган эди.

Аввало, музей эшигидан қадам қўйиб, соҳибқирон бобомиз зиёратига келадиган ҳар бир инсон — ҳар бир ватандошимиз кўнглида бизнинг шундай буюк тарихимиз, шундай буюк аждодларимиз, шундай буюк салтанатларимиз бўлган экан, деган фикр уйғониши керак.

Шу билан бирга, музей бизнинг ота-боболаримиз, халқимиз улуғ маданият, буюк маънавият яратиб, умуминсоний қадриятлар хазинасига нақадар улкан ва унутилмас ҳисса қўшганини англатишга хизмат қилиши лозим.

Ана шу асосда миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий мафкурани юксалтириш, халқимизни тараққиётнинг янги марралари сари чорлаш → музейнинг бош вазифасидир.

Биз шунга эришмоғимиз керакки, деб таъкидлади Президент, токи бу ерга ташриф буюрган ҳар бир зиёратчи юртимизнинг қадимий ва тенгсиз ўтмиши, бетакрор ақлий ва маданий салоҳияти билан танишиш натижасида Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳақиқатан ҳам буюк, деб тўлқинланиб, ҳаяжонланиб, ғурурланиб кетиши керак.

Бир сўз билан айтганда, бу қутлуғ зиёратгоҳ бизга ўзлигимизни англаш — аждодларимиз буюклигини англаш учун бамисоли бир қузгу вазифасини адо этмоғи лозим. Узлигини, ўз тарихий меросини, ўз илдиз-томирларини чуқур англаб етган халққина ана шу юксак мезонларга муносиб бўлиш учун албатта интилади, дейди Президентимиз.

Шу кунларда музей қурилишида иш ниҳоятда қизғин. У ерда меҳнат қилаётган усталар, муҳандислар. меъморлар, рассомларнинг қўли қўлига тегмайди. Уларнинг зиммасидаги юк гоят шарафли, гоят масъулиятли. Бинонинг ички кўриниши, миллий меъморчиликнинг энг юксак намуналарига ижодий ёндошиб ишланган тоқ ва равоқлар, олтин суви бериб зийнатланган нақшу нигорлар ҳар қандай кишини ҳам лол қолдиради. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Амир Темур давридан сўнг барпо этилган тарихий обидаларнинг биророртасида ҳам олтин суви ишлатилмаган. Орадан беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтгач, соҳибқиронннинг шаъну шавкатини тиклаб бунёд этилган ушбу муаззам қасрдагина узбек заминининг бебаҳо бойлиги — соф олтинимиз юксак гумбазлардан зар сочиб, буюк темурий шукуҳ, буюк темурий салобатдан дарак бериб турибди.

Бунинг, албатта, теран рамзий маъноси бор.

Яхши биламизки, соҳибқирон азиз-авлиёлар, илму фан, маданият арбоблари, эл-улуснинг мумтоз фарзандларига умр буйи эҳтиром билан муносабатда бўлган, замондошлари бўлмиш улуғ зотларга чексиз марҳамат ва иззатикром кўрсатган, дунёдан ўтганларнинг эса хотирасини абадийлаштириш, мангу оромгоҳларини обод қилиш учун мислсиз жонбозликлар қилган. Унинг амру фармони билан бунёд этилган ҳазрат Аҳмад Яссавий, Шайх Зайниддин Бобо, Занги ота сингари унлаб мақбаралар, масжиду мадрасалар Амир Темур бобомизнинг юксак маънавияти тимсоллари сифатида ҳамон мағрур қад ростлаб турибди.

Истиқлол йилларида улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида юртимиз-да амалга оширилган улкан ишлар соҳибқироннинг ана шу эзгу амалларига бевосита ҳамоҳангдир, уларнинг мантиқий давомидир. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд дейсизми, Имом Бухорий дейсизми, Мирзо Улуғбек ёки Бобур Мирзо дейсизми... илоҳим уларнинг руҳлари бизларни ҳамиша қўллаб турсин!

Соҳибқирон музейига фахр'билан боқар эканмиз, беихтиёр кўнгилдан ана шундай савол кечади: айтайлик, бундан ўн йил муқаддам энг ҳаёлпараст, энг миллатпарвар инсон ҳам мустабид тузум рамзи бўлган шу зиёбоннинг Амир Темур номи билан аталишини, бу жойда бобокалонимизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилишини ва ниҳоят, унинг шаъну шавкатига беҳад муносиб ушбу олий иморатнинг бино бўлишини хаёлига келтира олармиди?

Асло.

Истиқлол шарофати деган гапнинг мазмуни аслида шу эмасми?

Шу муносабат билан яна бир воқеани эслаб ўтиш ўринлидир.

1993 йил, 31 август. Бир пайтлар Туркистонни қонга ботириб забт этган ёвуз Кауфман, кейин эса совет даври «доҳийлари»нинг важоҳатли ҳайкаллари қўр тўкиб турган, Тошкентнинг қоқ юрагида жойлашган бу майдонда соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг ўрнатилиш маросимида юртбошимиз айтган ҳароратли сўзлар ҳамон ёдимизда. Бугун тарих мулки бўлиб қолган ўша ҳаяжонли оқшомда Президент: «Амир Темур шахсияти ва фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш, буюк аждодимизга нисбатан тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, унинг табаррук хотирасини абадийлаштириш бизга бугун нима учун керак?» деган саволга жавоб бериб, шундай деган эди:

биринчидан, соҳибқироннинг улуғвор сиймоси бизга миллатни миллат, давлатни давлат қилиш учун;

иккинчидан, миллатни бирлаштириш, миллий ғурур, миллий онгни юксалтириш учун;

учинчидан, фарзандларимизни, ўсиб келаётган ёш авлодни ана шундай улуғ боболаримиз билан фахрланиш, улар каби фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш учун;

тўртинчидан, буюк давлат қуриш учун;

бешинчидан, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун.

Соҳибқирон Амир Темурнинг улмас қадриятини тиклаш, беназир шахсиятини абадийлаштириш, қадр-қимматини жойжойига қўйиш борасида қилинаётган тарихий ишлар нафақат бугунги кун, айни пайтда келгуси авлодларимизнинг маънавий тараққиётини ҳам кўзлаб амалга оширилмоқда, деб таъкидлаган эди юртбошимиз.

Чиндан ҳам, воқеа-ҳодисаларнинг, нарсаларнинг, моҳияти қиёс орқали очилади. Ўн икки йил бурун нашриётда хизмат қилганимда «Таржима санъати» деган китобни нашрга тайёрлаган эдик. Сиёсатга мутлақо алоқаси бўлмаган бу тўпламдаги мақолалардан бирида «Буюк Британиядаги қироллик театри ҳар йили ўз мавсумини инглиз драматурги Кристофер Марлонинг «Темур» спектакли билан очади», деган маълумот зикр қилинган эди. Бор-йўғи шу гап — на изоҳ, на шарҳ, на соҳибқирон номини улуғлаш бор эди унда. Аммо шу биргина беозор жумлани ҳам шуровий назоратнинг ёвуз кўзидан ўтказиб эълон қилишнинг иложи бўлмаган эди...

Яқин ўтмишимизнинг мана шундай қора кунларини ҳам дамба-дам эслаб туриш фойдадан холи бўлмас. У бизга бугунги кунларнинг тарихий маъносини, қадр-қимматини чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Шаҳрисабзда, асрлар билан беллашиб келаётган пурвиқор Оқсарой пештоқига бир вақтлар донишманд бобомиз Амир Темур шундай ҳикматни нақш қилдирган эканлар: «Агар биз-нинг куч-қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, биз бино этган иморатларга назар солинг».

Шу маънода бугун зўр шиддат билан қад ростлаётган темурийлар тарихи музейи озод ватанимизнинг, куч- қудратимизнинг гўзал рамзларидан бири бўлиб қолажак.

Хайриддин СУЛТОН
(ЎзА).

ҚИШКИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Халқимизда «Қиш ғамини ёзда е» деган доно ўгит бор. Дарҳақиқат, ёзда югурмаган одам, қишда чопа-чоп қилади. Утаётган йилнинг айни дамдаги илиқ кунлари ғанимат — куз ва қишни кўнгилдагидек ўтказишга тайёргарлик кўриш фурсатидир. Албатта, ўз ишига пухта одамлар бу фурсатни қўлдан бой бериб юрмайдилар.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Республика халқ хўжалигини 1996/97 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисида» Қарор қабул қилди. Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, айниқса, Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари, шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги қаторида Халқ таълими вазирлигининг ҳам ўзларига қарашли объектларни куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича олиб бораётган ишларга жиддий эътибор берилиши таъкидланди.

Қарорнинг 12-бандида Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зиммасига шу йилнинг 1 октябрига қадар халқ таълими муассасаларини ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашни таъминлаш юклатилган.

Таълим ходимлари ҳам мазкур Қарор билан танишиб, аллақачон тегишли хулосалар чиқариб олганликлари, шубҳасиз. Муассасаларимизда эса, қишки мавсумга тайёргарлик ишларининг тезда қизғин йўлга қўйилишига ишонамиз.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

Тошкентда бўлиб ўтаётган ЕХҲТнинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» семинар-кенгаши ўз ишини давом эттирмоқда. Унда Америка, Европа ва Марказий Осиёдаги ўндан ортиқ мамлакатлар делегациялари қатнашмоқда. Анжуман иштирокчилари ички қонунчилик, асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар, халқ таълимининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўрни мавзуларида маърузалар тингладилар.

* * *

Россия ва Чеченистон раҳбарлари бир-бирларини эришилган тинчлик шартномаси шартларини бузишда айблашмоқда. Айирмачилар етакчиси З. Яндарбиев Россия қўшинларини Чеченистондан олиб кетиш амалда тўхтаб қолди, дея баёнот берди. Айни пайтда Россия расмий кишилари чечен айирмачиларини қарийб ҳар куни уюштирилаётган ҳужумларда айблашмоқда.

* * *

Арманистонда Президентлик сайловларига тайёргарлик якуний босқичга кирди. Мухолифатчилар тақдим этаётган уч номзод ягона номзод В. Манукян фойдасига ўз номзодларини қайтариб олишди.

* * *

Афғонистоннинг «Толибон» мухолифчи қуролли отрядлари катта стратегик аҳамиятга молик Жалолобод шаҳрини ҳужум билан қўлга олдилар.

* * *

Бағдод учиш ман этилган зоналар тартибини тузгани ҳамда Америка қирувчи самолётларини муваффақиятсиз уққа тутишга интилганидан кейин АҚШ Ироқ яқинида ўз ҳарбий қудратини кучайтирмоқда.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ГУЛЗОРГА ЯРАШИҚ УМР

Бўз туманидаги 2-ўрта мактабда истеъдодли журналист, камтар ва камсуқум адиб Мирзакарим Пирматовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган Хотира кечаси бўлиб ўтди. Оловқалб ижодкор шу мактаб яқинидаги «Жийдақатор» қишлоғида туғилиб, мазкур билим даргоҳида сабоқ олган ва сабоқ берганди... Ҳозирда мактаб адиб номи билан аталади.

Хотира кечасида ҳозир бўлган таниқли шоир Тўлан Низом, меҳнат фахрийси Рўзимат Зокиров, адибнинг укаси — физика муаллими Мирзараҳим Қурбоновлар ўша ёзувчининг ёш авлодга ибрат бўларли фазилатларини ҳикоя қилиб беришди.

Шу куни мактаб жамоаси ёзувчининг ёди билан яшаётганликларининг яна бир исботи сифатида мактабнинг ҳовли саҳнида гулзор барпо этишди.

МУЗЕЙИМИЗГА КЕЛИНГ!..

Бундан бир неча йил муқаддам Шофиркон туманига қарашли А. Дониш номидаги мактабда шинамгина тарих музейи ташкил этилганди. Тарих ўқитувчиси Ш. Ҳожиевнинг бу соҳадаги уринишлари беҳуда кетмади. Ўқувчилардан Ғ. Қаршиев, И. Азимовлар, айниқса, музейни қадимий жиҳозлар билан безашда устозларига бажонидил кўмаклашишди. Ҳозирги кунда музей мактабнинг чиройига чирой қўшиб турибди. Агар, сиз ҳам мазкур музейга ташриф буюрсангиз, ишонаверинг, албатта хурсанд бўласиз.

Муаллифлар: Файзулла ЭШҚУЛОВ, Ҳасанбой РУСТАМОВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ЯНА БИР ЭЪЗОЗ

Сўнгги беш йиллик муаллимлик фаолиятимда ўзгача мақомга эга. Зеро кўпчилик қатори мени ҳам руҳлантирувчи бир неча воқеалар содир бўлди.

Хусусан, куни кеча Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонинг эълон қилиниши айни муддао бўлди. Фармоннинг биринчи бандида шундай дейилган:

«Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши деб ҳисоблансин...»

Қисқаси, фармондаги ҳар бир сатр бизни «Мен муаллим сифатида мустақил Ватанимга нима беришим мумкин», — деган фикр билан янада қатъиятли ишлашга чорлайди.

Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ,
Пискент туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси.

Мунносабат

МАЪРИФАТНИНГ ИККИНЧИ НОМИ МАКТАБ

Узбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида «Ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва порлоқ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинсин ҳамда дам олиш куни ҳисоблансин» дея эълон қилиниши Президентимиз томонидан биз таълим ходимларига қилинган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Республика Халқ таълими вазирлиги ҳам ёш авлодни баркамол, қобилиятли, ишбилармон, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, тарихий ва маданий меросимизни улуғлайдиган, халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш, ўз Ватанини севувчи, ватанпарвар, байналмилал, Ватанга содиқ, Ватанни ҳимоя қила оладиган қилиб тарбиялаш борасида утказилаётган қатор тадбирларни амалга оширишда бор куч ва имкониятларини аяшмаяпти. Бундан ташқари сўнгги йилларда «Ижодкор ўқувчилар», «Ижодкор ўқитувчилар» анжуманлари утказилмоқда.

Бу йилги Республика «Ижодкор ўқитувчилар»нинг бешинчи анжумани «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида Фарғона шаҳрида утказилди. Бу тадбирларни утказишда Узбекистон ёзувчилар уюшмаси, «ЭКОСАН», «Итсеълод», «Соглом авлод учун», «Маҳалла», «Навруз». Республика ёшларининг «Камолот» жамғармалари ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этмоқдалар.

Республикамиз Мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб утказилган «Узбекистон — Ватаним маним» қушиқлар танловида барча ўқув муассасаларимиз иштирок этди. Республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» хор дастаси якунловчи турда қатнашди.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ҳамда Беҳзод, Бехбудий, Файзулло Ҳўжаев ва бошқа шу каби алломаларимизнинг таваллудларини нишонлаш бўйича жойларда ибратли ишлар қилинди. Бу тадбирлар ёшларимизни буюк тарихимиз, маданиятимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Республика таълим муассасаларида ёшлар ўртасида матонат дарсларини утказишга, ҳарбий-спорт тугараклари ташкил этишга «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Республика Мудофаа вазирлиги, «Маҳалла» хайрия ва «Камолот» жамғармалари, Хотин-қизлар, физкультура ва спорт қўмиталари билан ҳар хил курик ва оммавий тадбирлар утказишга эътибор қаратилмоқда.

Ушбу вазифаларни таълим муассасаларининг ўқувчи, талабалари ўртасида тадбиқ этишни давом эттириш ва такомиллаштириш мақсадида тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларни янада жонлантирмоқ зарур. Зеро, ёш авлод таълим-тарбиясига ҳаммамиз жавобгармиз.

Марат ШАФИЕВ,
Мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармасининг бошлиғи.

Ислоҳот одимлари

МАРҲАМАТГА МАРҲАБО!

Шу йилнинг 16—18 сентябрь кунлари Андижон вилоятининг Марҳамат туманида «Янги турдаги таълим муассасаларида ўқувчилар билимини диагностик таҳлил қилиш орқали таълим муассасасини бошқаришни такомиллаштириш» мавзуида Республика семинари ўтказилди.

Сирасини айтганда, республика миқёсида семинар утказишга бу туман бежиз танланмади. Кейинги йилларда туман халқ таълими бўлимида таълим муассасаларига замон талаблари асосида раҳбарлик қилиш, ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, таълимнинг илғор усулларини амалда қуллаш, педагог ходимларнинг илмий-методик савиясини, касб маҳоратини ошириш бўйича бир қатор ибратли ишлар қилинди.

Ҳозирги кунда илм масканларида кимё, физика, математика, биология фанлари чуқурлаштирилиб ўқитилаётир. Туман ҳокимининг қарори билан мазкур фан ўқитувчилари ойлик маошларига қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Туманда таълим тизимини диагностик таҳлил қилиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчиларининг фанлар бўйича билим даражалари аниқланиб, уларнинг диагностик хариталари тузилаяпти. Умуман, бу тумандаги янгиликлар, тажрибалар ва эришилган ютуқлар эътиборга молик...

Семинар қатнашчилари, даставвал, Марҳамат туманидаги иқтидорли ўқувчилар 3-лицей-интернати ва вилоятдаги янги турдаги таълим муассасаларининг таълим мазмунини янги ўқув йилида такомиллаштириш бўйича режалари ва бошқа тажрибалар, фаолиятлар билан танишадилар.

Музокараларда таълим мазмунини такомиллаштиришда янги турдаги таълим муассасаларининг ўрни ва истиқболлари ҳақида суз боради. Шуъбалар йиғилишларида иштирокчилар янги турдаги ўқув муассасалари ишини ташкил қилиш, ўқувчилар билимини кўп балли тизимда баҳолаш, янги турдаги таълим муассасалари ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, лицей ва гимназиялар фаолиятини бошқариш, улардаги таълим-тарбия ишлари мазмунини такомиллаштириш масалалари бўйича фикр алмашадилар.

Семинар якунида Узбекистон Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари билан давра суҳбати утказилади. Бир сўз билан айтганда мазкур тадбирнинг қизиқарли ва самарали ўтиши кутилаётир.

(Амалий семинар ҳақидаги ҳисобот билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида танишасиз).



Ўғил-қизлар ҳар бир янгиликни ҳавас, ҳайрат билан қаршилашади. Янгийўл шаҳридаги 12-мактаб-лицейнинг ўқувчилари ҳам «Информатика ва ЭҲМ асослари» фанини катта иштиёқ билан ўрганишяпти.

СУРАТДА: илм масканининг 9-«Б» синф ўқувчилари ўз билимларини компьютерларда синаб кўраётирлар.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

МИННАТДОРЧИЛИК

Халқимиз куни кечагина Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлади. Тарих учун 5 йил катта давр эмас, лекин обод ва озод Ватанни орзу қилган ўзбек халқи учун бу йиллар жуда катта муваффақиятларни, ўзгаришларни берди. Бу ўзгаришлар, янгиланишлар давом этяпти.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони биз кекса зиёлиларни ҳам беҳад хурсанд қилиб юборди. 1997 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябрнинг «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни ва дам олиш куни этиб тайинланиши ушбу Фармонда акс этганлигини айтмайсизми!!!

Ўқитувчилар, мураббийлар, зиёлиларнинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, улар меҳнатининг алоҳида қадрланишидан мамнунлик изҳор қиламиз. Имкон қадар танимиздаги куч-қувват, билим ва тажрибамизни Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга сарфлайверамиз.

Шораим ГАДОЙБОЕВ, Республика фахрий педагоглар жамоасининг раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Иброҳим МЎМИНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Мавлуда САМАТОВА, уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Рихситилла ҲУСАНОВ, Меҳнат Қаҳрамони, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

Тошболта ИМОМОВ, меҳнат фахрийси.

Бу миннатдорчилик мактубига жами 16 нафар меҳнат фахрийлари — кекса педагоглар имзо чекишган.

Анжуман

ХАЛҚ ИРОДАСИНИ БУКИБ БЎЛМАЙДИ

Дунёдаги ҳеч бир ўлка бизнинг юртимиздек жангу жадал, босқинлар кўрган эмас. Ахир, бу жаннатмакон диёрни сўраб не-не фотиҳлар, жаҳонгирлар келмади дейсиз. Жангу —жадаллардан толиққан халқимиз эса мудом она-Ватан ҳимоясига отланаверишган. Муқаддас тарихий китобларда ёзилишича, Туркистон ўзининг бир ярим минг йиллик тарихида бор-йўғи 376 йил ҳурликда яшаган бўлиб, қолган пайтларда эса босқинчилар томонидан қулликда сақланган.

Турон заминига босқинчилар ёвуз ниятлар билан келганлар. Улар бу ўлкани топтаган, талаган, ўзаро тақсимлашга уринганлар. Заҳматкаш халқимизнинг маданиятини, санъатини, урф-одатларини батамом йўқотишга кўп бор ҳаракат қилишган.

Чет эллик босқинчиларнинг тажовузларига ва ҳукмронликларига қарши қаратилган миллий озодлик курашларидан энг каттаси 1916 йилги Жиззах қўзғолони ҳисобланади. Унда 100 мингдан кишилар ҳалок бўлди.

Куни кеча Узбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институтида утказилган анжуман ана шу қўзғолоннинг тарихига бағишланди. Уни мазкур институт директори, УзФА мухбир аъзоси Абдулаҳад Муҳаммаджонов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев «Узбекистонда бўлган 1916 йилги қўзғолоннинг моҳияти ва йўналиши», тарих фанлари доктори Надежда Абдураҳимова «Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий-маъмурий тизими», тарих фанлари номзоди Жаннат Исмоилова «Фарғона водийсидаги 1916 йилги қўзғолон», УзФА тарих институтининг илмий ходими Ойгул Суюнова «Сирдарё вилоятидаги 1916 йилги халқ ҳаракатлари» мавзуларида маруза қилдилар.

Анжуман якунида маърузалар бўйича мунозаралар ҳам бўлиб ўтди.

У. ЖУМАЕВ.

Қутлов ўрнида

«СИРТҚИ МИЛЛИЙ ТЕЛЕВИЗИОН УНИВЕРСИТЕТ» ТАШКИЛ ЭТМОҚЧИМИЗ

Узбекистон телевидениеси кўрсатувлари қаторида «Маърифат ва фан» таҳририяти ижодкорлари томонидан экран орқали намойиш этилаётган кўрсатувларнинг алоҳида ўрни бор. Яқин кунлар ичида «Маърифат ва фан» таҳририяти ўзининг муборак ўттиз йиллик ёшини нишонлаш арафасида турибди.

Ушбу сана муносабати билан газетамизнинг маънавий ҳамкори бўлмиш мазкур таҳририят аъзоларини қутлаймиз. Қутлов ўрнида ушбу ижодий гуруҳ раҳбари, тажрибали журналист Жаҳонгир БОЛТАЕВ билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Жаҳонгир ака, дастлабки фаолиятингизни шу таҳририятдан бошлагансиз. Суҳбатимиз бошида таҳририят томонидан томошабинлар ҳукмига дастлаб ҳавола этилган кўрсатувлар ҳақида суҳбатлашсак.

— Ҳозирги «Маърифат ва фан» таҳририяти 1966 йилдан буён узининг кўрсатувларини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилиб келмоқда. Дастлаб таҳририятимиз телевидение қошида ўқув кўрсатувлари таҳририяти деб аталар эди. Асосан сиртдан таълим олаётган талабалар учун лекциялар, ўрта мактаб ўқувчиларига эса факультатив кўрсатувлар, мураббий ўқитувчилар учун касб маҳоратларини оширишга кўмаклашувчи ранг-баранг кўрсатувларни ташкил этган. Уша даврда ижодий гуруҳ аъзолари ўн кишидан иборат эди. Бунда кўрсатувни тайёрлаб эфирга узатиш учун меҳнат қилган муҳаррирлар, режиссёрлар ва бошқа ижодий гуруҳ аъзоларини эслаш жоиздир. Улардан Ҳури Муҳаммадсодиқова, тажрибали режиссёр Римма Комилова ва меҳнат фахрийлари қаторидан ўрин олган Собит Лутфуллаев, Султон Эргашев ва бошқа устозларни эслагим келади.

Кейинроқ эса Суръат Одилов , Азиза Расултоева, Раҳматжон Содиқов, Аҳмаджон Иброҳимов, Маъмура Муҳаммаджонова каби ёшлар кириб келишди.

1972 йилдан бошлаб телевидение таркибидаги таҳририятимиз илмий-оммабоп ва ўқув кўрсатувлари таҳририяти деб эълон қилинди. Унда асосан илмий-оммабоп, олий таълим ва ўрта таълим бўлимлари орқали туркум кўрсатувлар эфирга узатилар эди.

— Сиз бош муҳаррир этиб тайинланганингизда ижодий гуруҳ номи ўзгариб «Маърифат ва фан» деб атала бошланди. Умуман номи ўзгарганда мазмуни ҳам ўзгардими?

— Ижод аҳли тинч ва хотиржам бўлиб, хаёли бошқа нарсалар ила банд бўлмасдан меҳнат қилса, уйлайманки томошабинлар ҳурматларини қозонадиган ранг-баранг кўрсатувлар дунёга келади.

Таҳририятимиз аъзолари 1994 йил 15 июндан бошлаб «Маърифат», «Фан» ҳамда «Сиҳат-саломатлик» бўлимлари орқали томошабинлар билан дийдорлашмоқда. Истиқлолимизни, бой маънавиятимизни чуқур таҳлил этувчи, бақувват таҳририятга айландик, десак муболаға бўлмайди. Ҳозир ўн бешдан ортиқ вазирлик, қўмита ва жамғарма, компаниялар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаяпмиз. Булар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Узбекистон мусулмонлари диний идораси, Фан ва техника давлат қўмиталаридир. Ўйлайманки, мухлисларимиз «Маърифатнома» «Қирқ ҳунар ҳам оз...», «Шифокор маслаҳати», «Юзма юз» каби кўрсатувларни инмиздан Суръат Одилов, Туроб Мирзаев, Ҳури Муҳаммадсодиқова, Азиза Расултоева каби журналист ва режиссёрларимизнинг меҳнатларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Булардан ташқари фан асосларини ҳамда касб маҳоратини сингдириш йўлида эфирга узатилаётган кўрсатувларда Римма Комилова, Гулсара Усмонова, Раҳбар Абдумавлонова, Дилором Ҳамдамова каби ижодкорларимиз тинимсиз меҳнат қилишмоқда.

Таҳририятимизда муаммоли, қизиқарли, ранг-баранг кўрсатувларни тайёрлашда Ғофир Баратов, тиқ бўлиб кутишади.

— Юқорида саналган кўрсатувларнинг ижодкорлари ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Таҳририятимизда халқимиз сиҳат-саломатлигини сақлаш борасида уюштириладиган кўрсатувлар сценарийларини ёзиш, эфирга сифатли қилиб тайёрлашда ижодкорларибаҳодир Юнусов, Ўктам Ғуломов, Каромитдин Отахоновларнинг ижодий ишлари унумли бўлмоқда.

— Томошабинларимиз, «Маърифат ва фан» таҳририятида берилаётган кўрсатувларда деярли танқид йўқ, деган гапни айтмоқдалар. Умуман танқидга муносабатингиз.

— Рауфжон, тўғри савол бердингиз. Ҳаққоний, тўғри танқидга ижобий қарайман ва қадрлайман. Агар томошабинларимиз бизни томоша қилаётган бўлса, кўрсатувимиздаги суҳбатдошларимизнинг ҳам ижобий, ҳам танқидийроқ томонларини олишга ҳаракат қиламиз. Берилаётган саволларимиз билан мавзуни имкон қадар ҳар томонлама ёритишга интиламиз.

— Таҳририятнинг келгуси режалари қандай?

— Келажакдаги ниятларимиз улкан. Таҳририятимиз қошида «Сиртқи миллий телевизион Университет» ташкил этмоқчимиз. Халқимизни, ёшларимизни илмли, маърифатли, баркамол қилиб тарбиялаш йўлида оз бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшсак, деймиз.

Бизнинг ниятларимиз амалга ошадиган бўлса, ижтимоий йўналишдаги турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам катта ҳисса қўшган бўламиз деб ўйлаймиз.

Р. РАСУЛОВ суҳбатлашди.

Тажриба, синов, натижа

ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

ЁХУД МАКТАБДА ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мустақил мамлакатимизда юксалиш учун қадам маорифдан бошланди десак хато бўлмайди. Узбекистон Республикаси Конституцияси, илк қабул қилинган Қонунлар халқ таълимининг истиқболини мазмунан ўзида мужассамлаштирганлиги фикримизга исбот бўлади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун бош йўналишни белгилаган бўлса, умумтаълим мактаби Низоми узлуксиз таълим соҳасидаги вазифаларимизни янада мукаммал аниқлаб берди. Эндиликда ҳар бир мактаб ўзининг асосий раҳбар ҳужжати — мактаб Уставига ва ўз истиқболини ўзи яратиш имкониятига эгадир. Мактабга юклатилган улкан вазифанинг бажарилиши ўқитувчи меҳнати ва фаолиятига узвий боғлиқ, фақат унинг сай-ҳаракатигина таълим-тарбиянинг юксалишини, истиқболини таъминлайди.

Меҳнат фаолияти даврида инсон ўзининг лаёқати ва омилкорлиги билан бир-биридан фарқланиб боради, касб-корлар ичида илғорлар, ўз ишининг усталари кабилар ёки касбини яхши билмайдиган, қуникма ва лаёқати етарлича бўлмаган «ўртамиёначилар», хатто қолоқлар пайдо бўлади. Бундай манзара ҳар бир мактабда мавжуддир. Ўқитувчининг иш фаолиятини баҳолашни мактабдаги мавжуд услублар билан олиб бориш анчайин қийин кўчиши ҳар бир мактаб раҳбарига ёки таълим назоратчисига маълумдир. Шунинг учун ҳам хулосаларда ноаниқлик, айрим ҳолларда бир томонламалик, ҳаттоки нотўғри фикрлар ҳам бўлади. Бу эса ўқитувчи ва мактаб раҳбари ёки ўқитувчи ва назоратчи ўртасида ҳар хил муносабатлар туғдирадики, бундан низоли оқибатлар келиб чиқиши ҳам муқаррар.

Ички назорат услубимиздаги камчиликлар оқибатида ўқитувчиларни тоифаларга ажратиш ва уларга ҳақ тўлашда, фаолиятларини баҳолашда нохолисликка йўл қўйилади. Оқибатда эса илғорларда ички нитилишни сусайтиради, қолоқларда эса беғамлик кайфиятини ҳосил қилади.

Биз ўз мактабимиз шароитида ана шундай муаммони тўғри ҳал этиш, ўқитувчилар фаолиятини ҳақиқатга яқинроқ баҳолаш мақсадида мактаб жамоаси билан келишилган ҳолда рейтинг тизимини қўллаб қўришни маъқул топдик.

Мактабдаги рейтинг тизими мавжуд тизимлардан бир қанча жиҳати билан фарқ қилади, чунки бу тизимни тузиб чиқишда қўйидаги мақсадларга эришиш мўлжалланди:

— ўқитувчи фаолиятини ўқувчилари таълими ва тарбияси даражаси билан баҳолаш;

— ўқитувчининг ўқувчи билан инсонпарварлик муносабатини шакллантириш;

— ўқитувчининг касб маҳоратини доимо ошириб боришга йўналтириш;

— ўқитувчининг ўз ишига, мактабга, жамоага муносабатини яхшилаш ва энг юқори натижага эришиш учун интилтириш.

Ўқитувчилар учун тузилган рейтинг тизимининг мавжуд баҳолаш тизимлардан яна бир фарқи бу рейтинг тизимини ҳамма оддий қишлоқ мактабларида ҳам қуллаш мумкинлиги, жуда оқонлиги, унинг содда тузилганидир. Ўқитувчи рейтинг кўрсаткич варақаси оддий ўқувчиларнинг баҳолар табели кўринишида бўлиб, у мактаб маъмурияти томонидан тўлдирилиб борилади ва тасдиқланади. Баҳолаш жараёнида мактаб методик кенгаши, шаҳодат комиссияси, юқори таълим ташкилотлари назоратчилари ва услубиётчиларининг (агар мактабда текшириш ёки урганиш, оммалаштириш учун мақсадли тадбир утказган бўлсалар) фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинади.

Муаллимлар фаолияти ўқув йилининг ҳар чораги якунида баҳоланади. Бу ўқувчилар билимларини аниқлаш ҳамда бажарилган ишларни сарҳисоб қилишга имкон беради. Шунингдек, рейтинг кўрсаткичлар ўн баллик системада баҳоланиши маъқул ва қулайроқ топилди.

Ўқитувчи рейтингининг биринчи кўрсаткичи унинг ўқитаётган ўқувчиларининг Давлат стандартлари бўйича билимлар даражаси билан белгиланади. Бунинг учун ўғил-қизларнинг чорак якунидаги ҳамда мактаб маъмурияти томонидан олинган тест ва бошқа турдаги синовлар натижалари ҳисобга олинади. Ўқитувчининг ўз иш режаси бўйича олган синовлари, битирувчи синфлар Давлат имтиҳонлари якунлари ҳам натижа сифатида қаралиши мумкин.

Иккинчи кўрсаткич сифатида ўқитувчининг дарс бериш услублари, таълимдаги янгиликларни қуллай билиши, очиқ дарсларда, узаро таҳлил дарсларда аниқланади ва баҳоланади. Бу уринда ўқитувчининг ўзи кўпроқ ташаббускор бўлиши, тажрибаларини ўртоқлашиши зарур.

Муаллимнинг дарсга доимо тайёргарлиги ва бунинг учун кўрсатмалар ва назорат ишлари натижалари ҳисобга олинади. Ушбу рейтинг тизимини ишлаб чиқишда ўқувчи, талабалар ўртасида тадбиқ этишни давом эттириш ва такомиллаштириш мақсадида тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларни янада жонлантирмоқ зарур. Зеро, ёш авлод таълим-тарбиясига ҳаммамиз жавобгармиз.

Марат ШАФИЕВ,
Мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармасининг бошлиғи.

Мактабда ҳар бир ўқитувчига алоҳида синф хоналари ажратилган. Лекин бу хоналарни жиҳозлаб бориш, уни озода сақлаш, ўқувчилар учун экологик шарт-шароитлар яратиб бориш, болалар билан гуллар ўстириш ўқитувчининг вазифасига кириши маълум. Шунинг учун ҳам бу вазифа қандай бажарилиши алоҳида кўрсаткич сифатида баҳоланиб борилади.

Ўқитувчининг ўзига бириктирилган синфга раҳбарлик қилиб бориши, уларни одобли, интизомли, озода, ҳушфеъл этиб тарбиялаб бориш асосий вазифаси эканлиги учун ҳам бу айрим кўрсаткич сифатида қайд этилади. Шу уринда эслатиш лозимки, рейтинг баҳолаш шартларига кўра ўқувчиси қонунбузарлик ёки ижоят содир этса, ўқитувчи балларидан маълум тартибда чегириб ташланади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни амалга ошириш муаллимдан алоҳида ташкилотчиликни талаб қилади. Бу ишлар орқали катта таълим-тарбия ишларини амалга ошириш мумкин. Ўқитувчи ўз фаолиятини ана шу кўрсаткич орқали намоён эта олади.

Кейинги даврларда мамлакатимиз таълим тизимига қўйилган вазифалардан бири ўқувчилар билан алоҳида ишлаш, ихтисосга йўналтириш, айниқса, иқтидорли болалар билан якка тартибда (индивидуал) шуғулланишдир. Бу вазифани бажаришда ўқитувчи бош ролни ўйнайди. Шу жиҳатдан ҳам ўқитувчининг ўқувчилар билан алоҳида ишлаш фаолияти бир кўрсаткич сифатида баҳоланиши керак. Чунончи, ўқитувчининг иқтидорли ўқувчиларни мактаб, туман, вилоят, республика миқёсидаги фан олимпиадаларига, бошқа кўрик-танловларга тайёрлаш ва бунда эришган ютуқлари учун рейтинг тизими шартига кўра қўшимча баллар берилади. Жумладан, туман олимпиадасида олган ўринларига қараб 20 балларга, вилоятда олган ўринлари учун — 50, республика миқёсидаги ўринларига — 100 баллгача қўшилади. Ўқувчиларнинг олий ва бошқа нуфузли ўқув юртларига муваффақиятли кириб кетиши, шу ўқувчини тайёрлаган ўқитувчининг ижобий ҳаракати сифатида қаралади ва ҳар бир ўқувчининг топширган имтиҳон фанлари бўйича, шу фанлардан ўқитган ўқитувчилар рейтинги 50 баллга оширилади. Рейтинг тизими шартига кўра шу ўқувчиларни бошланғич синфларда ўқитган ўқитувчилар умумий балларига юқорида кўрсатилган балларнинг ярми қўшилади. Бу эса бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳам фаолиятларини жонлантиради.

Ўқитувчи ўз малакасини доимо ошириб бориши зарур, чунки ўқиш, изланиш ва меҳнат орқасидагина касб устаси— ўқитувчи туғилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг ўз малакасини ошириб бориши, касб маҳоратини оммалаштириши, ижодкорлиги, вилоят, республика матбуотларида чиқиши унинг юксак фаолияти сифатида баҳоланиб борилади. Мактаб, туман, вилоят, мамлакат миқёсида утказилган «Йил ўқитувчиси», педагогик ўқишлар, бошқа кўрик-танловларда қатнашиши ва эришган натижалари учун 20 дан 100 баллгача қўшимча баҳоланиб борилади.

Муаллим шахси ёш авлод учун доимо намуна, ибрат бўлмоғи шарт. Жумладан, унинг ишдаги, оиладаги, жамоатдаги одоби, аҳлоқи, интизоми фаолиятининг катта қисмидир. Унинг бу сифатлари бир кўрсаткич сифатида баҳоланиши зарур деб топилди.

Ушбу рейтинг тизими барча ўқитувчилар маслаҳати билан тузилган бўлиб, мактаб Устави ва мамлакатимиз умумтаълим мактаблари Низомига зид келмайди, аксинча, ундаги кўрсатилган қоидаларни тўла амалга оширишга ёрдам беради. Шунингдек, ўқитувчилар шахсини камситмайди, балки мактабдаги демократияга, миллий таълимга ижобий таъсир қилади деб ўйлаймиз.

Рейтинг натижаси ўқув йили якунида муаллимлар кенгаши билан муҳокама этилиб, мактаб шаҳодат комиссияси таклифлари ҳисобга олинган ҳолда, мактаб директорининг буйруғи билан ўқитувчилар тоифалари аниқланади ва иш ҳақлари белгиланади, мукофотга тақдим этилади.

Кўз ўнгимизда мустақил мамлакатимиз тобора шавкатли бўлиб бормоқда. Бундай мамлакатнинг мактаби ҳам жаҳонда ўз мавқеига истиқболига эга бўлиши керак. Бизнинг мамлакатда мактаб сиёсий «ўйин»лардан йироқ. Лекин биз ва болаларимиз учун муқаддас: Ватан, унинг халқ сайлаган Президенти, Конституцияси, Байроғи, Герби бор. Биз — ўқитувчилар болаларимиз онгига ана шу муқаддасликни тобора сингдиришимиз ва келажак учун қайтуришимиз шарт, ўз фаолиятимизни фақат таълим ва тарбияни қайси йўл билан бўлса-да самарали бўлишига қаратишимиз керак. Бу ишда юқорида баён қилинган тажриба ва ҳаракатлар фойда беради деган умиддамиз.

Гайрат УМОНКУЛОВ, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Т. Мирзоқобилов номли 1-мактаб директори, олий тоифали ўқитувчи.

ЗАРУР МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ **"ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА"** АСАРИНИ ЎРГАНИШ

Узбекистон меҳнаткашлари мамлакат мустақиллигининг 5 йиллигини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида катта ютуқ ва муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Босиб ўтилган йиллар, Президент Ислом Каримов бошчилигида Узбекистоннинг ўз танлаб олган ва фақат Узбекитонгагина хос бўлган йўлининг тўғри эканлигини батамом исботлади. Албатта, халқни беш йиллик қисқа муддатда бозор иқтисодиёти муносабатлари талаблари асосида том маънодаги мустақил Узбекистоннинг ҳар томонлама етук ва камол топган, миллий онги уйғоқ, ўз қадр-қимматини мағрур туриб ҳар қандай шароитда ҳам ҳимоя қила оладиган инсонлар қилиб тарбиялаш осон кечадиган иш эмас. Аммо бу вазифани бажармасдан туриб том маънодаги миллий мустақиллик ҳам бўлмайди, бозор иқтисодиёти муносабатларига ҳам ўтиб бўлмайди.

Кенг меҳнаткашлар оммаси шуурида миллий мустақиллик ва бозор иқтисодиёти ғояларини бирдан-бир ҳукмрон ғояга айлантириш учун мамлакат зиёлилари тер тўкиб меҳнат қилмоқликлари талаб қилинади. Чунки бозор иқтисодиёти муносабатлари масалалари у ёқда турсин, миллий мустақилликнинг ўзи нима эканлигини ҳали тушуниб етмаган фуқаролар жамиятимизда мавжуд. Шу боис ушбу муаммоларни, аввало, барча зиёлиларимизнинг ўзлари чуқур ва атрофлича ўрганиб олишлари ва сўнгра публицистик асарлар, эҳтиросли маърузалар ва суҳбатлар билан оммaнинг кенг қатламлари орасига кириб бормоқлари керак. Бу ишни иложи борича турлича йўллар билан йигит-қизларимизнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб умумтаълим мактабларидан бошлаб йўлга қўйилса, кўзланган мақсадга тезроқ ета оламиз. Хусусан, ушбу масалани муваффақиятли ҳал қилишда Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фундаментал асарлари, сермазмун мақолалари, нутқ ва маърузаларини ўрганишнинг нечоғлик беқиёс катта аҳамиятга эга эканлигини исботлаб ўтиришга эҳтиёж бўлмаса керак.

Аммо мамлакат раҳбарининг китоблари, асар ва мақолалари, нутқ ва маърузаларини умумтаълим мактабларининг ҳамма ўқитувчилари ҳам талаблар даражасида тушуниб, равон бир тарзда, ўқувчиларга тушунтириб бера оладилар, деб айтолмаймиз. Шу боис «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти томонидан республиканинг таниқли тарихчи олимлари Исломжон Турсунов ва Шоди Каримовлар қаламига мансуб «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш» деб номланган рисоланинг эълон қилиниши таҳсинга сазовор бир ишдир.

Рисола умумтаълим ва янги турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига методик маслаҳатлар тарзида ёзилган. Бугунги кунда Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган асари дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатида рус, француз, инглиз, немис, индонез ва бошқа тилларга таржима қилиниб, зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш босқичида турган Узбекистон фуқаролари, хусусан, келажаги порлоқ мустақил Узбекистонни яратадиган ва унда яшайдиган азиз фарзандларимиз — мактаб ўқувчилари бу асарни ўргансалар, бугунги янги ҳаётга киришиб кетишлари осон кечади.

Умумий ҳажми 6,5 босма тобоқдан иборат бўлган бу китоб Республика Халқ таълими вазирлигининг бўйруғига асосан Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини умумтаълим ва янги типдаги барча мактабларда ўрганиш учун ажратилган 24 соатлик режа асосида тузилган.

Рисолада муаллифлар Ислом Каримов асарини асосан учта йўналиш бўйича таҳлил қилиб, уни ўрганиш юзасидан мактаб ўқитувчиларига ғоятда қимматли ва зарур маслаҳатлар берадилар.

Биринчиси, «Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари ва унинг тарихий аҳамияти»дир. Унда муаллифлар ҳозирги ўтиш босқичида мазкур асарнинг Узбекистон ва унинг фуқаролари учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлигини ҳар томонлама асослаб берганлар. Асарнинг сиёсий аҳамиятига баҳо бериб муаллифлар қуйидаги хулосага келадилар: Ислом Каримов асари ҳар бир ўқувчини ўйлантиради, уларни янги-янги ишларга отлантиради, келажаги буюк Ватан учун астойдил меҳнат қилишга ва фидойиликка руҳлантиради» (7-бет). Муаллифларнинг фикрича, «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини... ўқиган ҳар бир ўқувчида бугунги ўтиш даврининг оғир мавжуд қийинчиликлар вақтинчалик ва ўткинчи бир воқеа эканлигига, келажакда мустақил Узбекистоннинг барча фуқароларини бахтли ва фаровон кунлар кутаётганлигига ишонч туғдиради. Бунинг учун фуқаролик бурчини тўғри ва ҳалол тушуниш, жамият бахт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилиш, текинхўрлар, порахўрлар, безориларга қарши биргалашиб кураш олиб боришга даъват этади. Рисолада Ислом Каримов асарининг ғоявий-тарбиявий аҳамияти ҳам асосли ва юқори савияда ўз аксини топган.

Иккинчи йўналиш — «И. Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш бўйича маслаҳатлар» деб номланади. Унда муаллифлар таҳлил этилаётган асарни 15 та мустақил мавзу-маърузага бўлиб, ҳар бир мавзуни мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда (4-6 бет ҳажмида) содда ва равон тилда қандай ўрганиш кераклиги ва ҳар бир мавзудаги бош ва асосий масалалар бўйича методик маслаҳаталр берадилар. Энг муҳими шундаки, рисоладаги ҳар бир маъруза мавзу режа саволларига бўлиб чиқилган ва қўйилган масалаларнинг ҳар бирига қисқа-қисқа жавоблар қайтарилган. Рисолада келтирилган 15 маърузанинг 9 таси Ислом Каримов асарининг биринчи қисмига: «Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» ва 6 маъруза мазкур китобнинг иккинчи қисми: «Иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари»ни ўрганишга бағишланган. Ҳар бир маъруза мавзусининг сўнгтида адабиётлар рўйхати тавсия қилинадики, бу ўқитувчиларни ортиқча ҳаракатлардан халос этади.

Учинчи йўналиш «Тарих дарсларида Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридан фойдаланиш»га бағишланган. Унда муаллифлар жуда катта ҳажмдаги муаммони бажаришган, яъни «Ватан тарихи»нинг ибтидоий жамоа тузуми давридан то шу бугунги кунга қадар ўрганиладиган мавзуларини баён қилишда Ислом Каримовнинг асаридан қандай фойдаланиш кераклиги бўйича маслаҳатлар берганлар, бу албатта ўқитувчиларга жуда катта ёрдам беради. Биргина мисол келтирамиз, рисоланинг 119-120 бетларида қуйидагиларни ўқиймиз: «Марказий Осиё — Россиянинг мустамлака ўлкаси» мавзуси 1853-1991 йиллар ўртасидаги катта даврни ўз ичига олади. Ушбу мавзуда ўқитувчи Марказий Осиёда Россия мустамлакачилари юргизган улуғ давлатчилик-шовинистик сиёсатнинг асл моҳиятини очиб беради. Ташқи шакл кўриниши жиҳатидан гўё фарқ қилгандай кўринса-да, Россия мустамлакачилиги сиёсатининг моҳияти оқ подшо салтанати даврида ҳам, қизил салтанат даврида ҳам ўзгармаганлиги ва бир хил бўлганлигини ўқитувчи ҳар томонлама асослайди. Ҳўш мустамлакачиликнинг асосий йўналиши нималардан иборат? Биринчидан, Россиянинг, Туркистоннинг ҳукмдори, хўжайини ва эгаси Туркистон халқлари, сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга эмас, уни батамом Россия ҳукмдорлари бошқаради; иккинчидан, сиёсий жиҳатдан шунга эришмоқ керакки, Туркистон халқларининг давлатчилик анъаналарини (давлат идора тузуми), айниқса, мустақил армия, валюта бирлиги, давлат чегаралари, давлат рамзлари, давлат тили ва ҳоказоларни йўқ қилиш лозим; учинчидан, иқтисодий жиҳатдан Туркистон батамом марказга қарам бўлсин, у марказнинг хомашё етказиб берувчи ўлкасига айланиши лозим, ўзи мустақил суратда тайёр саноат маҳсулоти ишлаб чиқара олмасин; тўртинчидан, маданий, мафкуравий соҳада руслаштириш сиёсати олиб бориш керак, миллий қадриятларга йўл бермаслиги лозим, Туркистон халқларини Россияга итоаткорлик руҳида тарбиялаш даркор. Бунинг учун маҳаллий халқни ўз тарихидан, она тилидан, динидан, урф-одатлари ва қадриятларидан маҳрум қиладиган улуғ давлатчилик сиёсатини юргизмоқ керак бўлади. Россиянинг, унинг давлатчилиги, қудрати ва маданиятини улуғлайдиган ғоявий-сиёсий ва мафкуравий кураш воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган.

Туркистонда Россия юргизган бундай давлатчилик сиёсати натижасида ўлкамиз халқлари ўзларининг минг-минг йиллар қаърига бориб тақаладиган мустақил давлатчилик анъаналаридан маҳрум бўлдилар. Худди шу жойда Ислом Каримов китобидаги қуйидаги жумлалардан фойдаланиш мумкин. «...Илгари Узбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаммаси умумиттифоқ талабларига батамом мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг ўзига хос миллий-маънавий, тарихий минтақавий жуғрофий хусусиятларини ҳисобга олмас эди.

Қонун чиқариш ташаббуси мутлоқ Москва, Кремлнинг қўлида эди... Қабул қилинадиган кўпгина қарорлар, аслини олганда, мустамлакачилик руҳида бўлиб, ҳақиқий шарт-шароитдан узилиб қолган, баъзан эса республиканинг миллий хусусиятлари ва анъаналарига, манфаатларига зид бўлар, унинг мустақиллигини камситар эди». (31-бет).

Шоди Каримов ва Исломжон Турсуновлар ўз рисолаларининг сўнгтида муҳим хулосага келадиларки, бунга қўшилмасликнинг иложи йўқ: «Хуллас, Ислом Каримовнинг «Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридан фойдаланган ҳолда «Узбекистон тарихи»ни ўқитиш машғулотларининг ғоявий-сиёсий ва мафкуравий сифат даражасини юқори кўтаради ва ҳар томонлама етук ҳамда камол топган ватанпарвар фуқароларни табиялашга хизмат қилади» (124) бет. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тавсия қилишни лозим топдик. Мактаб ва ўрта ҳамда олий бўғин тизимларида сиёсий иқтисодий тарбия даврнинг муҳим ва долзарблигини ҳисобга олиб барча ижтимоий фан ўқитувчилари, жумладан, ҳуқуқ, жамият ва инсон, иқтисодий соҳа ўқитувчилари ўз фаолиятида мазкур асардан унумли фойдаланишлари зарур. Уни муваффақиятли тадбиқ этиш учун олий ўқув юртлари ижтимоий фанлари кафедраларининг илмий амалий, педагогик ходимлар малакасини ошириш институтларида эса амалий услубий анжуманлар утказилганида мазкур методик асар таъсири ғоят самарали кечган бўлур эди. Иккинчидан, умум ўрта ва олий таълим тизимларида таълим-тарбиявий жараён миллий тилларда олиб борилишини назарда тутиб мазкур услубий асар рус, қирғиз, қозоқ, туркман, тожик ва қарақалпоқ тилларига ўгирилиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, ўқувчилар ва талабаларнинг сиёсий-иқтисодий соҳадаги билимларини ошириш мақсадида турли кечалар, баҳслар ва ранг-баранг тадбирлар ташкил қилиниб, уларнинг қолибларини моддий ва маънавий рағбатлантирилса, жойлардаги сиёсий-тарбиявий ишлар қулами яна бир поғона юқори кўтарилиши таъминланган бўлур эди. Зеро, сиёсий фаол ва онгли фуқароси мавжуд эл-улус, иқтисоди бақувват мамлакат завол билмайди.

Муаллифлар юқоридаги тақдим этган методик қўлланмаси билан миллатни буюкликка етказувчи сиёсий-иқтисодий омилларнинг аҳамиятини энг қулай бўлган ранг-баранг усулларда баён қилиб эзгу ишни амалга оширганлар. Гап уни шу йўналишга даҳлдор ташкилот ва илмий муассасаларнинг фаоллик ва масъулият билан ҳаётга қай даражада тадбиқ қилишларида қолгандир.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фанлари доктори,
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи.
Ж. РАҲИМОВ,
Қори Ниёзий номидаги УзПФИТИ тарих ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими мудири,
М. ЮНУСОВА,
Тошкент шаҳар 41-сон мактабнинг тарих ўқитувчиси.
Узбекистон халқ маорифи аълочиси.

Расмий бўлим

ҲУҚУҚ — ЖАМИЯТ МЕЗОНИ

Узбекистон Республикаси бугунги кунда ўзига хос иқтисодий тараққиёт йўлидан бориб, жаҳон сиёсат майдонида нуфузли давлатлар қаторидан ўрин олмоқда. Оврупа, Осиё ва Океан ортидаги ривожланган мамлакатлар Узбекистон билан тобора яқин алоқа боғлаётирлар. Узбекистон Республикаси олий мажлиси VI сессиясида Президентимиз И. А. Каримов сўзлаган нутқида мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Зотан, ҳуқуқий демократик жамиятда ўтиш даврининг асосий тамойили бўлган қонун устиворлигини таъминлаш ҳамда уни ривожлантириш, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг тарғиб қилиш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бугунги ҳаётимиз талабидир. Бу айни пайтда халқ таълимининг ҳам асосий вазифаларидан биридир.

Камол топаётган ёш авлодга ҳуқуқий билимларни чуқур англатиш ва уларда ҳуқуқ маданиятини шакллантириш мақсадида умумтаълим мактаблари ўқув режасига «Узбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» фани киритилган. Бироқ ҳали бу фанни ўқитишда бир қатор муаммолар мавжуд: фан бўйича дарсликлар, дастурлар ва давр талабидаги адабиётлар етишмаётир. Биз янги тайёрланган дарсликлар, адабиётлар туман ва вилоятларга тўлиқ етиб бормаётганини ҳисобга олиб, жойлардаги умумтаълим мактабларида дарс бераётган ўқитувчиларга ёрдам бериш мақсадида «Узбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» фани ўқитилишининг тахминий мавзулар режасини тавсия этмоқдамиз. Режани тарих фанлари номзоди, доцент, РТМ тарих ва ижтимоий фанлар бўлими бош методисти М. Урмонов тузган. Режадаги мавзуларни жойлардаги адлия ташкилотлари ходимлари билан маслаҳатлашган ҳолда дарс ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА МАВЗУЛАР ВАБЕЛГИЛАНГАН СОАТЛАР

9-СИНФ

I. КИРИШ. Ҳуқуқ асослари фанининг мақсад ва вазифалари — 1

II. ҲУҚУҚ, ОДОБ, ДАВЛАТ.

Ҳуқуқ, одоб тушунчаси — 1

Давлат ва унинг вазифалари — 2

III. УЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

Узбекистон Конституцияси — давлатнинг асосий қонуни — 1

Узбекистон фуқаролиги — 1

Узбекистон — мустақил давлат — 1

Узбекистонда сайлов тизими — 1

Узбекистон Президенти — Давлат бошлиғи — 1

Вазирлар маҳкамаси — Республика ҳукумати — 1

Олий Мажлис — қонун чиқарувчи олий орган — 1

Маҳаллий ҳокимият органлари — 1

Қорақалпоғистон Конституцияси — 1

IV. ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Давлат байроғи — 1

Давлат мадҳияси — 1

Давлат тамғаси — 1

V. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ

Илм олиш, касб танлаш ҳуқуқи — 1

VI. МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Меҳнат қилиш ва мулк эгаси бўлиш ҳуқуқи — 1

Меҳнат интизоми — меҳнат шартномаси — 1

Иш вақти ва иш ҳақи — 1

VII. ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Ватанни ҳимоя қилиш бурчи — 1

Миллий армия — Мустақил Ватан ҳимоячиси — 1

VIII. ОИЛА, НИКОҲ

Оила ва никоҳ ҳуқуқи — 1

Ота-оналик ва фарзандлик бурчи — 1

Эр-хотин ҳуқуқи ва бурчи — 1

IX. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ

Прокуратура органлари — 1

Суд органлари — 1

Милиция ва миллий хавфсизлик органлари — 1

X. ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ТУШУНЧАСИ

Жиноят ва унинг турлари — 1

Вояга етмаганлар жинояти — 1

Жазо ва унинг турлари — 1

XI. ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

Виждон эркинлиги — 1

Маъмурий органлар ходимлари билан савол-жавоб кечаси ўтказиш — 2

Жами: 34 соат

10-СИНФ

I. ДАВЛАТ, ҲУҚУҚ, ФУҚАРОЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

Фуқаролик жамияти ва давлат — 2

Давлат тушунчаси, моҳияти, белгилари — 1

Ҳуқуқий давлат тушунчаси, ҳокимиятни тақсимлаш — 1

Ҳуқуқ тушунчаси ва манбалари — 1

Қонунийлик ва ҳуқуқий тарғибот — 1

Ҳуқуқий муносабатлар — 1

Ҳуқуқий нормалар, унинг бошқа ижтимоий нормалардан фарқи — 1

Узбекистон республикасининг ҳуқуқий тизими — 1

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият — 1

Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик — 1

Ўқувчиларнинг маъмурий идора ходимлари билан давра суҳбати — 1

II. ҲУҚУҚ, ЭРКИНЛИК, БУРЧЛАР

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклорацияси — 1

Тенглик, қардошлик, дўстлик тушунчаси — 1

Яшаш ҳуқуқи — 1

Хусусий ва шахсий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи — 1

Дам олиш ҳуқуқи — 1

Даволаниш ҳуқуқи — 1

Тарихий ва маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи — 1

Суз, намойишлар ва матбуот эркинлиги — 1

Жамоат ташкилотларига, сиёсий партияларга бирлашиш эркинлиги. Сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг тузилиши ва фаолияти — 1

Ижод ва илмий изланишлар эркинлиги — 1

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари билан давра суҳбати — 1

III. ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО, ЎЗ-ЎЗИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАЛАРИ

Жиноят ҳақида тушунча — 1

Содир қилинган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги —.1

Зарурий мудофаа тушунчаси — 1

Ҳуқуқий орган ходимлари билан давра суҳбати — 1

IV. ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Жамиятнинг иқтисодий негизи — 1

Жамоат бирлашмалари — 1

Оммавий ахборот воситалари — 1

V. САЙЛОВ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ

Сайлов ва сайланиш ҳуқуқи — 1 Депутатларнинг ҳуқуқлари, бурчлари — 1

Ўтилган мавзулар бўйича умумлаштириш (заҳира) дарси — 1

Жами: 34 соат.

11-СИНФ

I. ДАВЛАТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Давлат нима? Унинг моҳияти ва аҳамияти — 1

Давлат тузумининг турлари — 1

Узбекистонда давлатчилик тарихи — 1

Узбекистон мустақил, демократик давлат — 1

Ҳуқуқий давлат тушунчаси — 1

Утилган мавзулар юзасидан ҳуқуқ органлари ходимлари билан давра суҳбати ўтказиш — 1

II. ДАВЛАТНИ ИДОРА ҚИЛИШ, ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Узбекистонда қонун чиқарувчи орган — 1

Узбекистонда ижро қилувчи орган — 1

Ўзбекистонда суд ва прокуратура органлари — 1

Президент фармонлари — халқ идорасининг идораси — 1

Утилган мавзулар юзасидан маҳаллий ҳокимият вакиллари билан давра суҳбати ўтказиш — 1

III. МУСУЛМОН ҲУҚУҚИНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

Қурьон, суннат — 1

Имон, инсоф, диёнат, меҳр-шафқат — 1

Исломдаги ҳуқуқ, ахлоқ, одоб муносабатлари — 1

Утилган мавзулар юзасидан диний идоралар вакиллари билан давра суҳбатини ўтказиш — 1

IV. ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР ТУШУНЧАСИ

Узбекистоннинг меҳнат қонунлари — 1

Иқтисодий муносабатлар тушунчаси — 1

Узбекистонда мулк шакллари ва уларнинг қонун билан ҳимояланиши — 2

Фуқароларнинг хусусий ва шахсий мулклари — 1

Ота-она, эр-хотин ва фарзандларнинг мулкка эгалиги — 1

Утилган мавзулар юзасидан нотариал идора ходимлари билан давра суҳбати ўтказиш — 1

V. ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Конституция — давлатимизнинг асосий қонуни — 1

Фуқароларнинг конституцион бурчлари, ҳуқуқлари — 1

Конституция ва қонунларнинг устиворлиги — 1

Узбекистон Конституцияси — дунёдаги энг демократик конституция — 1

VI. ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Халқ ҳокимиятчилиги нима? —

Умумхалқ референдуми (умумхалқ овози) ҳақида тушунча)—1

Фуқаролар йиғини кенгаши, туман ва вилоят ҳокимлиги — 1

Маҳалла қўмиталари ва уларнинг вазифалари — 1

VII. ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР

Жиноятнинг содир бўлиш сабаблари. Жиноят қилмаслик мумкинми? Мумкин. — 1

Вояга етмаганлар содир қилган жиноятлар — 1

Вояга етмаганлар содир қилган жиноятлар учун жазолаш турлари — 1

Утилган мавзулар юзасидан умумлаштириш (заҳира) дарси — 1

Жами: 34 соат.

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ, ТАРИХ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР БЎЛИМИ.



Тошкент шаҳридаги 117-мактабда ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишади. Халқ таълими аълочиси Ноиба опа Раҳимова 46 йилдан бери ўғил-қизларга она тили ва адабиёт фани сир-асрорларини ўргатиб келади. Натижалар чакки эмас.

Фидойи муаллима Сожида Зокирова таълим бераётган лицей синф ўқувчилари эса икки йилга белгиланган ўқув дастурини бир йил ичида ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Суратларда: 1. Олий тоифали ўқитувчи Н. Раҳимова адабиёт фани машғулотида. 2. Бошланғич таълим устаси С. Зокирова ҳамиша математик тушунчаларни турли услублар орқали ўқувчилар онгига сингдириб боради.

Равиль Альбеков олган суратлар.

Иқтисодий билимларни ўрганамиз

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

ВАЛЮТА ИЗОҲИ — ташқи савдо контрактлари ва халқаро кредит, тўлов ва бошқа битимларга киритиладиган алоҳида шарт. Экспортёр ёки кредиторни тўлов валютаси қадрсизланиши хавфидан суғурта (муҳофазалаш) мақсадини кўзлайди.

ВАЛЮТА ИНТЕРВЕНЦИЯСИ — йирик давлатларнинг валюта бозоридаги муомалаларга миллий ёки чет эл валюталарининг курсини ошириш ёки туширишмақсадида чет эл валютасининг катта суммасини ёки олтинни сотиб олиш йўли билан аралашуви. Мамлакат ўз валютаси курсини оширишдан манфаатдор бўлса, банк ва хазина ўз ихтиёридаги чет эл валютасини сотиб, миллий валютани харид қилади; ўз валютаси курсини пасайтирмоқчи бўлса, чет эл валютасини кўп миқдорда сотиб олади, миллий валютани сота бошлайди. Валюта интервенциясини марказий банклар амалга оширади.

ВАЛЮТА КРИЗИСИ — қ. Валюта танглиги.

ВАЛЮТА КУРСИ — мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифоданган баҳоси. Валюта курсининг қатъи қайд этилган ва ўзгариб турадиган (валюта бозоридаги у ёки бу валютага талаб ва таклифга қараб) турлари мавжуд. Валюта савдоси амалиётда валюта юқорироқ курс (сотувчи курси) бўйича сотилади, сотиб олишда эса пастроқ курс (харидор курси) қўлланилади. Валюта курсининг икки даражаси ўртасидаги фарқ (маржа) банкнинг валюта муомаласидан оладиган даромадини ташкил этади.

Валюта курсини расмий кўтариш (ревальвация) мамлакатни капитални четга чиқаришдан манфаатдор қилади, чунки чет эл валютасини арзонроқ харид қилишга имкон туғилади. Чет эл валютаси курсининг валюта биржасида махсус идора томонидан белгиланиши ва махсус бюллетенларда нашр қилиниши валюта котировкаси дейилади. Марказий эмиссия банки белгилайдиган расмий валюта курсини ҳукумат белгилайдиган махсус ёки валюта бозорида вужудга келадиган эркин валюта курсидан фарқ қилиш керак. Валюта курси талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида доимо ўзгариб турадиган бирликдир.

(Давоми бор).

боши ўтган сонларда

ҒОЛИБГА ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ — НЕКСИЯ!

Полвонлик қадим-қадимдан нафақат ўзбекларнинг, балки Ўрта Осиё халқларининг фахри, ғурури. Қадимда ота боболаримиз болани ғудаклигиданоқ ўта чайир, иликларини тўла ҳолатда ушлай билиш, совуқ-иссиққа баравар чиниқтириб бориш керак деб ҳисоблашган. Айтишларича, ана шуларга эътибор берилгандагина ўғил бола келажакда ҳақиқий норғул йигит бўлиб ўсиши мумкин экан. Яна бир қизиқ томони шундаки, қуёв бўлмишнинг ана шу полвонлик хусусиятига азал-азалдан, албатта эътибор бериб келингани ҳам одамда қандайдир миллий ифтихор туйғуларини қўзғатиб юборади.

Кейинги вақтларда ўзбек миллий курашига тобора кучлироқ эътибор ажратилаётгани эса ўзбекнинг буюклик суқмоғи сари қўйган қадамларидан биридир. Яқинда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабзда ўтказилган миллий кураш бўйича иккинчи халқаро турнир якун топди. Йўқ, йўқ. Бу беллашув шунчаки одатдагидек тугалланиб қолмади. Беллашув ғолиби, қашқадарёлик Баҳром полвон Авазовга Президентимизнинг соврини — Нексия автомашинаси ва зотли от топширилди!

Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг соврини — «Тико» машинаси эса иккинчи ўринни эгаллаган қашқадарёлик Маҳмадўст Тошевга насиб этди. Учинчи ўринни қўлга киритган сурхондарёлик Эрали полвон ва грузиялик Гаматашвилиларга ҳам Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармаси, республика Физкультура ва спорт қўмитасининг махсус совғалари топширилди.

Бундай қувончли воқеалардан кейин республикадаги бошқа полвонларимиз ҳам ўйлаб қуриб аниқ ишонишлари жоизки, неча асрлар ўтса-да, полвонлик барибир эркакка бахт, омад келтираверарқан.

МУХБИРИМИЗ.

МЕҲНАТДАН БАХТ ИЗЛАГАН ИНСОН

Ёшлигимдан онамга ҳавас қилиб ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Астойдил ҳаракат қилган киши ниятига етаркан. Урта мактабни муваффақиятли якунлаб «катта шаҳар»га ўқишга келдим. Беш йил ота-онадан узоқда яшаш осон иш эмаслигини шунда ҳис қилдим...

Мана уч йилдирки, Навоий шаҳридаги 17-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келаман. Мактаб остонасига ўқитувчи сифатида қадам қўярканман, менга муаллимлик сир-асрорларидан, унинг нозик қирраларидан дарс берган меҳрибон устоз Маърифат опа Улуғова номини ҳамиша фахр билан тилга олгим келади. Тажрибали педагог М. Улуғова мана бир неча йилдирки, 17-ўрта мактабда ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келмоқда.

Моҳир устоз дарсларнинг янада мазмунли бўлишида қўргазмали қуроллар, тарқатма саволлар ва фанга доир махсус альбомлардан унумли фойдаланади. Изланувчан педагог доимо мактаб жамоаси ҳурматида. Мен Маърифат опадек ардоқли мураббий бўлишни орзу қиламан. Зеро, умр бўйи ўрганиб ўргатиш, эзгу орзулар қанотида яшаш инсоннинг бахтидир.

Навбаҳор ОЧИЛОВА,
Навоий шаҳридаги 17-ўрта мактаб ўқитувчиси.

БУЙИМ БИЛАН БУЙИ ТЕНГ, ҚУҒИРЧОҒИМ — ДУМБОҒИМ...

Хуллас...

ТАБИИЙЛИККА НЕ ЕТСИН

Самаралик фахрий Шамсиддин Идигиров ўзининг «темир от»ини («Ока» автомашинасини) ҳақиқий отга алмаштирди. Унинг айтишича, ҳар қандай темир улов отнинг олдидан ўтаверсин экан. Дарвоқе, Шамсиддин ога бундай имкониятга вилоят маъмуриятининг чиқарган қарори асосида эришибди. Қарорда таъкидлашича, ҳар қандай фуқаро юқоридагидай йўл тутиши мумкин. Бу қарорнинг қизиқ томони шундаки, ўн йилдан сўнг фахрийлар отларини яна машинага алмаштиришлари мумкин.

ҚОР ОСТИДА ҚОЛГАН ЗИЁРАТ

Ҳиндистоннинг Жамма ва Кашмир вилоятлари ўртасида жойлашган Амарнатх ғори бутун аҳли Ҳиндистон учун муқаддас ҳисобланади. Бу ерга ҳар йили гурос-гурос зиёратчилар Шива худосининг изларини тавоф қилгани келишади. Бироқ, яқиндаги шундай муқаддас юриш ҳалокатли тугади. Кучли ёмғир ва унинг қорга айланиб кетиши натижасида 160 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Бир неча минг киши қор кўчкилари натижасида очиқ дунёдан ажралиб қолди. Ҳукумат эса чоралар кўриш пайида.

ЕР ШАРИГА ШАРҲ

Ер шари кейинги юз йилликда жазирамага айланади, деган фикр нотўғри. Америкалик олимлар шундай хулосага келишди. Уларнинг айтишича, кейинги йилларда ҳарорат фақатгина 0,1 даража ошаркан, холос. Яна уларнинг таъкидлашича, бу табиий ҳол эмиш.

ана шунақа гаплар.

Футбол

ОЛИЙ ТАБАҚА

21-тур, 10 сентябрь

«Косонсой» — «Дўстлик» — 1:2 (Шабанов — Дачев, Галянов), АСК — «Динамо» (У) — 0:1 (Ковшов), «Суғдиёна» — «Нурафшон» — 1:4 (Зиганшин-Келдиев-2, Асқаров, Тошев).

11 сентябрь

«Навруз» — «Атласчи» — 2:1 (Ражабов, Раимжонов — Ҳасанов), «Янгиер» — «Нефтчи», — 2:4 (Давлатов, Бердиқулов — Р. Дурмонов-3, Андреев), «Динамо» (С) — «Машъал» — 3:0 (Ашуров, Нарзуллаев-2).

21-турдан кейинги вазият

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Навбаҳор»	19	17	2	0	63-12	53
2. «Нефтчи»	19	14	3	2	43-22	45
3. «Нурафшон»	21	13	4	4	44-20	43
4. МҲСК	19	12	4	3	48-22	40
5. «Дўстлик»	20	11	3	6	33-24	36
6. «Пахтакор»	20	11	1	8	36-22	34
7. «Трактор»	20	9	3	8	39-30	30
8. «Атласчи»	21	8	3	10	33-42	27
9. «Навруз»	19	7	5	7	31-35	26
10. «Янгиер»	21	7	2	12	29-38	23
11. «Динамо» (С)	21	7	0	14	22-31	21
12. «Суғдиёна»	21	6	2	13	27-43	20
13. «Косонсой»	20	5	3	12	23-46	18
14. АСК	21	4	4	13	19-45	16
15. «Машъал»	21	4	4	13	17-47	16
16. «Динамо» (У)	21	4	3	14	17-45	15

Мулоҳаза

ИСМИНГИЗ КИММИ ЁКИ НИМА?

Оламдаги барча жонли мавжудотлардан тортиб жонсиз нарсаларнинг, воқеа-ҳодиса ва ҳаракат-ҳолатларнинг ўз исми, номи, атамалари борлиги ҳаммага маълум. Номлар, исмлар ва атамаларда ҳар бир нарсанинг, воқеа-ҳодисалару ҳаёт гултожи бўлган одамларнинг энг аҳамиятли томонлари ўз аксини топгандир.

Айниқса, инсон фарзандининг исм-шарифида келажакка ишонч, эзгу ниятлар, олам-олам туйғу мужассамлашган бўлади. Шунинг учун ҳам доно ҳалқимизда: «Исми жисмига монанд», «Исм ҳам ҳусн» деган ибора бор. Жамоат жойлари, ташкилотлар ва маҳаллаларда исм ва атамаларнинг икки хил шаклда ишлатилишининг гувоҳи бўламиз кўпинча:

— Исминг нима, ўғлим?

— Отинг нима, қизим?

— Отингиз ким?

Турли ёш, хилма-хил касб, ҳар хил маълумотта эга бўлган кишилар нутқида тез-тез учраб турадиган бу ҳол ўзбек адабий тили талабларининг (нормаларининг) бузилишига олиб келаётир, бизнинг назаримизда. «Ким», «нима» сўроқларининг (олмошларининг) ўринларини алмаштириб ишлатиш «ким», «кимлар» сўроқларига ишонасан?

— Ҳу менга қара, кимингга ишонасан? — дейилмоқчи шу ўринда. Яқингача ўзбек тили грамматикасида ўрганганимиз, ҳозир ҳам ўргатилаётган сўз туркумларидан «От» мавзуси таърифига эътибор беринг: «Предметнинг номини билдирадиган сўзлар туркуми от дейилади ёки «ким?», «нима?» сўроқларига жавоб бўладиган сўз туркуми от деб аталади».

Бизнингча, от аввало шахс, сўнгра нарса-предмет, воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, ўрин-жой маъноларини билдирадиган мустақил сўз туркуми эканлигини унутмаслигимиз керак.

Маълумки, шахс ҳақидаги сўроқ маъносини билдирувчи «ким» сўроқ олмоши фақат кишиларга нисбатан қўлланади. Нима сўроғининг қўлланиши «ким» сўзига нисбатан тор бўлиб, у барча жонли ва жонсиз нарсалар, воқеа-ҳодисалар, ҳаракат-ҳолатларга нисбатан қўлланилади. Баъзан «ким» сўроғи орқали ифодаланган сўроқ гапларга бериладиган жавобдан «нима» сўроқ олмоши орқали жавобни англаймиз:

— Ким қўвди сени?

— Овоз, увлаган овоз қувди...

(Ражаббой Ота Турк. «Нур дарвозаси» қиссаси).

«Нима» сўроғининг шахсга нисбатан ишлатилиши хусусида тўхталадиган бўлсақ, «нима» сўроғи ўша шахснинг айнан ўзига эмас, балки унга атаб қўйилган исм-шарифларни, атамани аниқлаш учун ишлатилиши мумкин:

— Отинг нима?

— Элмурод.

— Отангни отичи?

— Дўстмат...

(Парда Турсун. «Ўқитувчи» романи).

Бундай савол-жавобларни кўпинча ҳужжат расмийлаштирувчи идоралар, ўқув даргоҳлари ва жамоатчилик жойларида учратасиз. Агар гап кишининг исми, отасининг исми ҳақида эмас, ўзи, отаси ҳақида бўлса, бундай ҳолларда «ким» олмошини қўллаш айни муддаодир.

— Бу киши кимингиз?

— Қайин отамиз.

(А. Қодирий).

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, исм-шарифларни аниқлашда — «нима» шахсни аниқлаш зарур бўлганда — «ким» олмошини қўллаш мақсадга мувофиқдир. «Тилга эътибор — элга эътибор», — деб бежиз айтмаган доно ҳалқимиз.

Қодиржон МАЛИКОВ,
Муҳаммаджон НОРМАТОВ.

СЕВАМАН МАКТАБИМ, СЕНИ БИР УМР

Келдим даргоҳингга ёшлигим қўмсаб,
Азиз бўсағангнинг бўлиб мафтуни.
Гўдакдек энтикиб, истаб нигоҳинг,
Бағрингда топганман она тафтини.
Ҳаётнинг беқиёс чирой-ҳусни ҳам
Сенинг боқишингга бўлмадилар тенг.
Қалбинг ҳарорати қуёшдан зўрроқ,
Меҳринг чексизликда уфқлардан кенг.
Шод ўтган дамларим — зарҳал дафтарим
Варақлаб, чертайин бахтим созини.
Дилкаш оғушингда яйраганда илк,
Мурғак дил этганди баён розини.
Қабул эт саломим, эй нурли дийдор,
Муборак васлингга армуғон вужуд.
Умрим ниҳолининг серфайз гулбоғи,
Покиза сийнангдан эмдим нур ва сут.
Саховат маскани, зиё диёри
Мактабим бошладинг илм қонига.
Меҳнат қолипида улғайди таним,
Маърифат қоришиб юрак қонига.
Кўп йиллар ўтдилар саф тортиб мағрур,
Ҳамон дийдорингга чанқоқ боқаман.
Олов болалигим эслаб бағрингда
Шарқираб, сув каби яйраб оқаман.

Абдумалик ҚАҲҲОРОВ,
Янгиер шаҳридаги 5-мактаб ўқитувчиси.

ЮРТИМ

Дарёларнинг тубида
Қолиб кетган дур эдинг.
Булутларга тўсилиб,
Сочилмаган нур эдинг.
Юртим, бугун бу дурни
Тақиб олгум бўйнимга.
Булутларни тўзғитиб,
Нур таратдинг кўнглимга.
Сенинг бағрингдан асло
Воз кечиб кетгим келмас.
Баён қилсам таърифинг,
Сўзлардан кўнглим тўлмас.

Сайёра ШОДИЕВА,
Янгиер шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ҚИШЛОҚ

Бу ерларнинг меҳри бошқача,
Узоқларда юрсанг биласан.
Кучасида ётган тошгача
Юрагингга яқин оласан.
Севар бўлсанг лекин шеърларни,
(Буни бошга тушган билади.)
Шундай гўзал, дилбар ерларни
Соғиниб яшагинг келади.

Собир ҲАКИМОВ,
Марҳамат туманидаги 3-лицей ўқитувчиси.

Қутлов



ИҚБОЛИНГИЗ БАЛАНД БЎЛСИН

Муҳтарам устозимиз Азиз Шорасулович ШОУМАРОВ!

80 ёшга тўлиб қўйибсиз. Бу икки бўлиб ҳисоблаганда, икки йигитнинг умри ва бир кишининг мураккаб ҳаёт йўлидир.

Сиздаги инсоний хислатларни санаб, саноғига етолмаймиз. Камтарин, босиқ ва вазминсиз. Ёшларнинг билмаганларини ўргатишни бурчингиз ва вазифангиз деб биласиз. Ғаразгўйлик ва ҳасад туйғулари сиздан йироқдир.

Биз сизни 23 яшарлик даврингизда Финляндия урушига кўнгиллилар қаторида кетиб, иккинчи жаҳон урушининг бошидан охиригача қатнашган, кўкрагида нуфузли орден ва нишонлар билан қайтган собиқ жангчи сифатида ҳам биламиз. Урушдан кейинги йилларда Сиз вилоят мактабларида эл-юртга маърифат тарқатдингиз! Меҳнат фаолиятингизнинг асосий қисми «Ўқитувчи», «Фан» нашриётларида, Ўзбекистон илмий-техника ахборотлари институти (ҳозирги Давлат илмий-техника ахборотлари фонди)нинг нашриётида кечди. Салмоқлаб кўрсак, сизнинг биз билан бир сафда ишлаётганингизга ҳам 30 йил бўлиб қолибди!

Ўзбекистон журналистлари уюшмасининг аъзоси сифатида Сиз ҳозир ҳам куч-қувватингиз борича меҳнат қилаяпсиз. Сизнинг қўлингиздан таҳриридан ўтган, таржимадан чиққан кўплаб дарсликлар, монографиялар ёшларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилаяпти.

Муҳтарам устоз Азиз Шорасулович!

Қутлуғ 80 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга узоқ умр тилаб қоламиз! Иқболингиз баланд бўлганлиги билан ҳақли равишда фахрланиб яшашингизни истаймиз.

ДАВЛАТ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ФОНДИ ЖАМОАСИ.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти жамоаси «Тарих ўқитиш услубиёти» кафедраси ўқитувчиси Қ. Шоназаровга онаси

Саодат опа АБДУЛЛАЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси ва мусиқа-педагогика факультети жамоаси Вокал кафедрасининг доценти Н. Қаҳҳоровга акаси

Абдумажит ҚАҲҲОРОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва мусиқа педагогика факультети жамоаси Вокал кафедрасининг катта ўқитувчиси Н. Абдурашитовага опаси

Райҳон АБДУРАШИТОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг Халқ таълими Бош бошқармаси, Тошкент шаҳар халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти жамоаси, туман халқ таълими бўлимлари институт директорининг муовини Динара Алиевага отаси

Абдуғани АЛИЕВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

БАХТ САРОЙИ

Ривоят

Қиш куни. Кеч бўла бошлаганди. Бир йигит йўлда кетаркан, унга катта бир ўрмон ичидан ўтишга тўғри келиб қолди. Ўрмон қоронғи, қалин дарахтлар билан қопланганди. Йигит ўрмон ичида юра-юра йўлни йўқотиб қўйди, адашди.

Ҳушдан кетиб йиқилди. Бир оздан кейин очлик ва совуқ таъсири билан ҳушига келиб кўзини очдию, ёнида уч кишининг турганини кўриб қўрқиб, нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Булардан биттаси ипак кўйлак кийган, белига олтин камар боғлаган, иккинчиси қора кўйлак кийган, қора камар боғлаган ва учинчиси ҳаворанг кўйлак кийган, қайишдан камар боғлаган одам эди.

Бу кишиларнинг ҳаммаси бирдан:

— Эй йигит, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — деб сўрадилар. Йигит титраб:

— Ўрмондан ўтаётиб адашиб қолдим, — деди. У кишилар:

— Айт, биздан нима истайсан? — деб сўраган эдилар, йигит бу қўрқинчли ўрмондан қутқазишларини ўтинди.

У кишилар йигитга:

— Сенга бир йўл кўрсатувчи керак экан, қани, биримизни танлаб ол, қайси биримиз сенга йўлбошчилик қилайлик? — дедилар.

Йигит ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят ипак кўйлак кийган, белига олтин камар боғлаган, бой савдогар қиёфали кишини танлади. У киши кулимсираб йигитни олиб кетди. Юрдилар-юрдилар, охири йигит чарчаб тўхтаб қолди. У киши:

— Нега тўхтаб қолдинг? Қани юр, ҳали йўлимиз узоқ, — деган эди, йигит юришга мажоли қолмаганини айтди. Бой савдогар қиёфали киши ёнидан катта ўткир пичоқ олиб:

— Мана шу ўткир пичоқни ол, — деб уни йигитнинг қўлига берди. Йигит ҳайрон бўлиб ундан:

— Бу пичоқни нима қиламан? — деб сўраган эди, у:

— Мана бу чет томондаги йўлдан ҳозир отга минган бир киши етиб келади. Сен у кишига ҳужум қилиб ўлдир. Кейин унинг отига миниб, ўрмондан чиқиб кетасан, — деди. Йигит у кишидан:

— Сиз ким бўласиз, отингиз ким? — деб сўраган эди, у киши айтди:

— Менинг отим — ёмонлик, кел, мен кўрсатган йўл билан юр, шогирдим бўл.

Йигит ёмонлар устодининг ярамас сўзларини эшитиб, жуда ҳам аччиғланди. Қўлидаги пичоқни ирғитиб юбориб, айтди:

— Кет, йўқол, малъун! Мени ярамас йўлга бошламоқчи бўласан, сен кўрсатган ёмон йўлга юрмайман, — деб бақирди, ўзидан кетиб беҳуш бўлиб йиқилди.

Байт:

Ёмонларнинг сира пайванди бўлма,
Ҳайю ҳаваснинг банди бўлма.

Йигит бир оздан кейин ҳушига келиб, қолган икки киши унинг ёнида турганини кўрди. Дарҳол қора кийим кийган, қора камар боғлаган кишига мурожаат қилиб, шу қоронғи ўрмондан чиқишга ёрдам беришини сўради. У киши йигитнинг илтимосини қабул қилгач, икковлари йўлга тушдилар.

Анча йўл юриб, бир жар ёқасига етиб келдилар. Йигит ортиқ даражада чарчаган, юришга мадори қолмаган эди, ўша ерда тўхтаб, дам олмоқчи бўлди. У киши йигитнинг тўхтаб қолганини кўриб: «Нега тўхтаб қолдинг? Йўлимиз ҳали узоқ. Дам олишни истайсанми? Ҳўп, дам ол, мана шу баланд ердан ўзингни ташла, пастда роҳатланиб дам оласан», деди. Агар йигит ўзини жарга ташласа парча-парча бўлиб кетарди.

— Сен кимсан? Отинг ким, бу қандай таклиф, менинг ўлишимни истайсанми? — деб ғазабланиб сўзлади йигит. У киши:

— Менинг отим — умидсизлик, сен ишсиз, ялқов йигитга ўхшайсан, ҳаётга умидсизлик билан қарайсан. Худди менбоп бир йигит бўлганинг учун сенга йўл кўрсатдим, кел, таклифимни қабул қил, — деб жавоб берди.

— Кет, йўқол, сенинг кўрсатган йўлингга муҳтож эмасман, мен яшашни истайман, ялқов ҳам эмасман. Менга чин йўлни кўрсатган олижаноб одамлар изидан бормоқчиман, — деди йигит.

Байт:

Ноумид бўлма, ўғил, ғайрат билан ишга кириш,
Бўл умидли, тинмай ишла, иззат, обрўга эриш.

Йигит бир оздан кейин кўзини очиб, у ёқ-бу ёққа қараганди, ҳаво рангли кийим кийган, белига қайиш камар боғлаган бир киши унинг ёнида турганини кўрди. Аввалги икки кишидан яхшилик кўрмай юрак-бағри куйган йигит бу учинчи кишига ҳам ишонмай, унинг ёнидан қочиб кетмоқчи бўлди. Лекин у киши мулойим товуш билан:

— Ўғлим, мендан қўрқма, бери кел, мен сени бу қўрқинчли ўрмондан олиб чиқиб тўғри йўлни кўрсатаман, — деди.

Йигитнинг кўнгли ором олди, у киши ёнига келиб, салом бериб кўришди, сўнгра йўлга тушдилар. Тонг ҳам ота бошлаган эди. Ҳалиги йўлбошчи ерда ётган узун ва йўғон дарахт шохини кўрсатиб:

— Бу шохни кўтариб ол, — деди.

Йигит қабул қилиб шохни елкалаб олди. Бир оз юрганларидан кейин қўрқинчли ўрмондан чиқиб, катта ва равон йўлга тушдилар. Йўлнинг бир томонида буюк ва гўзал сарой кўринди. Ҳалиги одам:

— Ўғлим, бу ўрмонни ва бу дарахт шохини унутма, шохни ерга ташлаб, саройга кир, барча мақсадинг ҳосил бўлиб, бахтли умр кечирасан, — деди ва ўзи ўрмон томонга қараб кета бошлади.

Йигит шохни ерга ташлаган эди, шох ерга тушиб бир қоп олтин бўлиб сочилиб кетди. Йигит жуда ҳам ҳайратда қолди. Ҳалиги кишини чақириб:

— Оғажон, тўхтанг, очиқ, равшан йўлга солдингиз, сиз кимсиз? Отингиз ким? Бу қандай сарой? — деган эди, у киши ўрмон ичидан баланд овоз билан:

— Ўғлим, менинг отим — меҳнат, лақабим саъй-ғайрат. Бу сарой «Меҳнат саройи» деб аталади. Бу ғузал саройга кириб, чин ихлос билан ишла, саъй-ғайратни қўлдан берма, меҳнатинг туфайли азиз ва мукаррам бўласан, — деб жавоб берди. Йигит севиниб «Меҳнат саройи»га кирди, унга бахту иқбол эшиклари очилди.

Байт:

Бахту иқболим, саодат,
эй ўғил, меҳнатдадир,
Саъй-ғайрат бирла ҳар
ким ишласа, роҳатдадир.

* * *

Азиз ўқувчи! Юқорида келтирилган мажозий қиссадан ҳисса шулки, бу ҳаёт, бу дунё деганлари турфа йўллардан иборатдир. Жумладан, Мустақиллик ҳам бир йўлки, бу йўл орқали меҳнаткаш халқимиз албатта «Меҳнат саройи»га кириб боргай ва иншоолоҳ, унга мангу бахту иқбол эшиклари очилгай!

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Лукмон БУРИЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456